ЛОТИН АЛИФБОСИДАГИ ҚАДИМИЙ ТУРКИЙ ЛУҒАТ

Б.С.Жафаров

Ушбу мақолада XIII асрнинг охири – XIV асрнинг бошларида яратилган қадимги туркий қўлёзма Кодекс Куманикуснинг таркиби ва мазмуни, унинг жаҳон олимлари томонидан ўрганилиши ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: *Кодекс Куманикус, қўлёзма, луғат, итальянча, форсча, қуманча.*

В статье описаны структура и содержание древнетюркской рукописи Кодекс Куманикус,созданной в конце XIII – начале XIV векав. А также кратко освещена история её изучения в мировой науке.

Ключевые слова: *Кодекс Куманикус, рукопись, словарь, итальянский, фарси, қуманский.*

The article describes the content and meaning of the ancient Turkic manuscript Codex Cumanicus created at the end of XIII and at the beginning of the XIV century. It also contains some information about the situation in the field of studying the manuscript of the Code by the specialists.

Key words: *Cumanicus Code, manuscript, vocabulary, Italian, Persian, Cumanian.*

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг аждодларимиз қолдирган бой маданий меросни ўрганиш, уни келажак авлодларга етказиш бугунги кун олимлари ва уларнинг ворислари олдидаги муҳим масала бўлиб қолмоқда. Зеро, ҳар бир халқнинг бугунги тараққиёти ва эртанги куни унинг маданий мероси ҳамда аждодлари қолдирган анъаналари ва қадриятлари асосида мустаҳкамланади.

Маълумки, мустабид тузум даврида қанчадан-қанча маданий ва маънавий ёдгорликларимиз оёқ ости бўлди. Не-не олиму фузалоларимиз қатағон қурбонларига айланишди. Уларнинг бебаҳо қўлёзмаларига ўт қўйилди ва яна қанча асарлари бизга бошқача талқинларда етказилди. Мустақиллигимиз шарофати билан биз ўз қадриятларимизни қайта тиклашга, уларнинг соф инсоний қадриятлар билан йўғрилганлигини билишга мушарраф бўлдик. Шу ўринда юртбошимизнинг

Б.С.Жафаров *– Наманган давлат университети катта илмий ходим-изланувчиси*

ушбу фикрларини келтириш ўринли деб ўйлайман: “дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, аваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади”[1.11].

Шунинг учун ҳам ҳар бир халқ ўз тарихини, миллий-маънавий меросини жиддий ўрганиши, улардаги бой маданий-маърифий ҳамда бадиий-эстетик имкониятлардан юрт равнақи йўлида, юртдошларининг юксак маънавиятли шахслар қилиб тарбиялашда фойдаланмоғи жоиз. Юртбошимиз: **“**Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ”[1.4], – деб бежизга таъкидламаганлар. Тарих саҳнасида бунёдга келган бир қатор ёзма обидалар барча туркий халқлар учун муштараклиги билан ажралиб туради. Улар туркий халқлар адабиётининг кейинги босқичларидаги тараққиёти учун хизмат қилиб келмоқда. Туркийшуносликда ана шундай ёдгорликлар қаторида XI асрда яратилган икки буюк обида: Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғат ит-турк” ҳамда Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарлари ҳақли равишда қайд этилади. Буларнинг ёнида XIII аср охири XIV аср бошларида яратилган адабий ёдгорликлардан яна бири “Кодекс Куманикус” ҳам бор. Ушбу ноёб асарларда олға сурилган ғоя ва мавзулар ҳамиша ўз бадиий жилоси билан инсониятни мафтун қилади, тасвирдаги ўзига хослик киши ҳайратини оширади, шеърий мисралардаги кузатувчанлик, нозик туйғулар завқ келтиради.

Кодекс Куманикуснинг умумий ҳажми 82 қўлёзма нусхасидаги саҳифа (бу ҳозирги 164 бетга тўғри келади) дан иборат. Ёдгорлик XVIII асрнинг биринчи ярмида 21,5 х 15 см ҳажмда теридан муқоваланган. Анъанавий равишда график ва тил хусусиятига кўра ёдгорлик итальянча (1-55-бетлар) ва олмонча (56-82-бетлар) қисмларга бўлинади. Биринчи қисми 1560 та сўздан таркиб топган лотинча, форсча ва куманча луғат бўлса, иккинчи қисмида 1220 сўздан иборат қуманча-немисча (56-59, 80 ҳамда 82-бетларнинг иккинчи ярми) ва лотинча-қуманча (65, 66- бетларнинг иккинчи ярми ва 79-бет) луғатдан ташкил топган ва яна унга энг қадимий 47 та туркий топишмоқлар ва христиан динининг дуо ва мадҳияларининг таржималари киритилган.

Ёдгорликнинг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг лотин алифбосида яратилганлиги бўлса, яна бир жиҳати унинг туркийшуносликдаги биринчи тематик луғатлиги билан изоҳланади.

Қўлёзмадаги сўзлар лотин алифбоси тартибида берилган. Аммо жуда кўп сўзларнинг таржималарида имловий ва услубий хатоларни учратиш мумкин.

Кодекс Куманикусни тадқиқ этишни немис олими Генрих Юлиус Клапрот бошлаб берган. Клапрот томонидан Кодекснинг қуманча қисми лотинча аслияти асосида, арабча транскрипция ва французча таржима ҳолида нашр қилинган [2.5]. Шундан сўнг Венгер олими Геза Куун [3] томонидан 1880 йилда транслитерация ҳамда транскрипция ҳолида, В.Радлов [4] томонидан 1936 йилда факсимил ҳолида, 1973 йилда кодекснинг матнлари Владимир Дринба томонидан чоп этилган. 2004 йилда Александр Гаркавец томонидан китобнинг биринчи қисми, 2006 йилда эса иккинчи қисми нашр қилинган бўлса, ундаги юқорида айтиб ўтилган қадимий топишмоқлар Андреаса Титце томонидан ўрганилган [5].

1919 йили туркийшунос олим Бакир Вагип ўғли Чўпонзода Будапешт университетида “Кодекс Куманикус” бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган бўлса, Р.Голден, А.Самойлович каби олимлар бир қатор тадқиқот ишларини амалга оширганлар. Аммо Ўзбекистон шароитида ушбу қўлёзма ҳалигача бирор бир жиҳатдан тадқиқотга тортилмаган. Бунинг асосий сабабларидан бири деб қўлёзманинг лотин алифбосида яратилгани, унинг тадқиқи бир нечта тилни билишни тақозо этиши билан изоҳланиши мумкин.

Ҳозирги кунда ушбу ёдгорликни тадқиқ этиш борасида катта манбалар тўпланган. Бу ўз навбатида ушбу ноёб қўлёзманинг ўзбек тилида янги ва сифатли талқиндаги матнини нашр этишни тақозо этмоқда.

Адабиётлар:

1. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч.- Т.: Маънавият, 2008.
2. Гаркавец А.Н. Codex Cumanicus: Половецкие молитвы, гимны и загадки XIII-XIV веков. – М., 2006.
3. Kuun G. Codex Cumanicus bibliothecae ad templum Divi Marci Venetiarum. – Budapestini, 1880.
4. Radloff W. Das türkische Sprachmaterial des Codex Cumanicus. – SPb., 1887.
5. Tietze A. The Koman Riddles and Turkic Folklore. – Berkeley, 1966.

2014 йил 10 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Б.Тўхлиев)